

Хожа Ахмад Яссавий асрлар мобайнида туркий халклар рухоний хаётига раҳнамолик қилган ва ҳозирги даврларга қадар тасаввуф, маданият, адабиёт, ҳатто сиёсат жаҳҳасида тасъсирина ўтқазиб келаётган буюк сиймодир.

«Яссавий – Исломига қиришнинг охири ва Исломиётнинг илк шоири – идеологи эдики, худди шу маънода буюк Шарк Ренессансининг юзага чиқишида Дантега ўхшаб иш қўрмак унинг қисматига тушди», - дейди профессор Яшар Қораев. Дарҳақиқат, Ахмад Яссавий фақат янги тариқат яратувчиси сифатида эмас, балки туркий тасаввуф адабиётининг илк ижодқори сифатида ҳам ҳеч вақт қайтарилмас ва унутилмас ишни амалга оширган. Машҳур мутасаввуф олим ва шоир Сўфи Оллоёр авлодларга Яссавий ҳазратларидан «улуғ бир қитоб» мерос қолганилигини айтади. У – ҳикматлар мажмуаси эканлиги аниқ. Аммо ушбу нодир қитобнинг қадимий қўлёзмаси сақланмаган. Сақланиб қолган бўлса-да, ҳалигича топилгани йўқ. Муаммоларнинг муаммоси ана шу. Ахмад Яссавий адабий шахсияти ва ижодиётига иштибоҳли қарашлар, адолатсиз ва бирёқлама танқидлар, бир-бирига зид муноқашаю мунозаралар ана шу заминдан пайдо бўлган. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, «Девони Хикмат» ва муаллифлик масаласи йигирманчи асрнинг бошларида Оврўпо шарқшунослари томонидан ўртага қўйилган бўлиб, Яссавий адабий меросини тақиқлаш ва таҳқирлашда шўро давлати бундан ниҳоятда моҳирлик билан фойдаланган. Оқибатда, профессор П.М.Мелиоранскийнинг Германияда босилган «Исломи комуси»даги ҳикматларнинг Қозон босмасига оид фикрлари аста-секин «Девони Хикмат»нинг илдизига умуман болта уриш даражасига етказилган эди. Хикматларнинг тили, услуби ва тарихи билан бошланган фикр-мулоҳазалар кейинчалик уларнинг гоёвий моҳияти, тарбиявий аҳамиятини қескин қоралаш билан ўйгунлаштирилиб юборилганди. Фитрат домладек улкан олимнинг ҳам ҳикматларда ифодаланган диний-ирфоний ҳақиқатларга синфийлик назаридан баҳо беришлари – зўравон мафқура қўндаланг қўйган мажбурият эди. Буни баҳармасликнинг эса иложи йўқ эди. Акс ҳолда, Фитрат домла, Яссавий ижодиётини ижобий баҳолашга уринган марҳум олимимиз профессор Эргаш Рустамовдан ҳам минг чандон оғир аҳволда қолишлари ҳеч гап эмасди. Бугун ҳаммаси жуда осон қўринадди. Чунки Яссавий ижодиёти энди «хавфли майдон» эмас.

Юртимизда яссавийшуносликдаги янги қилиш қайта қуриш ва ошқоралик ҳосиласи бўлиб, саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмидан кейин Яссавий мавзуида «Ёшлик», «Шарқ юлдузи» журналларида, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бир қанча мақолалар эълон этилди. Баъзи матний ҳато ва нуқсонлардан қатъий назар, 1991 йили Тошкентда «Хикматлар» қитобининг қатта нусхада оммага етказилиши маданият ҳаётимизда муҳим ҳодиса ўлароқ эътироф этилганди. Бу қитоб орадан уч йил кечгач, турк олими Эрхон Сазоий Тўпли томонидан сўзбоши ва шеърини матн тўлиқ таржима қилинган ҳолда Истанбулда нашр қилинди. Оқибатда айтиш ва тан олиш керакки, ўша ошқоралик даврида ҳам «Эртага Яссавийга муносабат қандай бўларкан? Қайси олимни қандай қурбонлик қутаётир?» - дегандай ҳадиклар бор эди. Фақат мустаклилик зиёси барча ҳадик ва тўсиқларга тубдан барҳам берди. Ана шундан буён Ахмад Яссавий ва издошларига бағишлаб жуда қўп илмий, илмий-оммабоп тадқиқотлар яратилди. «Девони Хикмат»нинг янги нашрлари, Сулаймон Боқиргоний, Азим Хожа Эшон қитоблари чоп бўлди. Ўзбек олимларининг ўн бешдан зиёд маъруза ва мақолалари Туркияда босилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт

институтининг мумтоз адабиёт бўлими ходимлари амалга оширган ишлар бирма-бир саналса, ишонинг, мактанчокликка ўхшаб кетиши мумкин. Шунинг учун мен икки мингинчи йилдан кейин чикарилган китобларнигина эслатиб ўтмоқчиман. Булар: «Хожа Ахмад Яссавий: хаёти, ижоди ва анъаналари», «Ахмад Яссавий», «Девони Хикмат» (янги топилган намуналар). Сўнги китобдаги шеърлар ўндан ортик кўлэзма ва тошбосма нусхалардан териб-танлаб жамланган. «Девони Хикмат»нинг киёсий-йигма матнини яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам ниҳоясига етай деб колди.

Умуман, адабиёт, тил, тарих, фалсафа, педагогика сохалари мутахассисларининг якин ўн йилликда яссавийшуносликка кўшган хиссалари бундай сархисоб этилса, Яссавий ижодиётини текшириш кандай илдамлаганлиги, кандай янги микёс касб этганлиги ўз-ўзидан равшанлашади. Илмий аниклик ва холислик бор жойда эса, тахминбозлик, тарафкашлик каби махдудликларга чек кўйилади.

Бундан ташкари, бизда яратилган тадқиқотларга, айтайлик, тили тилимизга ахлокий карашлари муштарақ турк, уйгур, козок, коракалпок олимларининг муносабат ва эътирофлари билан ҳам кизикилса зиён килмайди. Дарвоқе, муайян мавзуда юзага келган илмий ишларни имкон қадар билишга жаҳд этмаслик, ҳукм ва хулосаларда адашиш ва чалгишга йўл очади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (2004 йил, 10 сентябрь) газетасида босилган «Хорижлик яссавийшунос» номли мақола бунинг характерли бир мисолидир. Унда гўё америкалик шарқшунос Девин Ди-Уис фаолиятдан бахс юритиш кўзланган бўлса-да, асосий мақсад бошқа. Яъни Девин Ди-Уиснинг тадқиқотларини ибрат билиб, шу бахонада мустақилдан кейин ўзбек яссавийшунослари яратган ишларни камситиш ва ҳеч иккиланмасдан уларга кўл силташга чорлашдир. Бунга асос нима? Бош асос – манба масаласи. Гўёки бизда яссавийшунослик «манбалар асосида эмас, балки Ахмад Яссавий ижодини тавсиф ва тарғиб этиш йўлидан» борган эмиш. Шунинг учун «биз хорижий яссавийшунослардан ортда» колган эканмиз. Қадимий манбаларга таянмасдан бирор-бир сўфий ижодкорнинг ижодини тавсиф ва тарғиб этиб кўринг-чи, нимага эришасиз? Курук сафсата, ўлик ва тахминий гаплардан бошқа ҳеч нарсага.

Илмда «ички манбашунослик», «ташки манбашунослик» истилохлари қўлланилмаган бўлса ҳамки, америкалик олимнинг Яссавий ва яссавийлик тарикати хақида маълумот берувчи манбаларни «ички» ва «ташки» деб иккига ажратишини мақола муаллифи муҳим хисоблайди. Девин Ди-Уис «ички» манба сифатида эса биринчи бўлиб XVI асрда яшаган яссавийлик тарикатининг шайхи Ҳазиний асарларини қайд этади. Улкан турк олими М.Ф.Купрулизода Ҳазинийнинг «Жавохир ул-аброр» асари билан танишгач, ўзининг «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» номли машҳур китобини ёзишга киришган. Шу фактнинг ўзиёқ яссавийшуносликда Ҳазиний мероси нечоғли қимматга эгаллигини тасдиқлай олади, албатта.

Ҳазиний асарларининг кўлэзмалари Туркия кутубхоналарида сақланади. Тўксонинчи йилларнинг ўрталаридан эътиборан биз уларнинг фотонусхаларини олишга эришдик ва «Жавохир ул-аброр» хозир нашрга тайёр.

1999 йили ёш тадқиқотчи Н.Хасанов «Султон Ахмад Ҳазинийнинг «Жавохир ул-аброр мин амвожил бихор» асари ва унинг яссавийшуносликдаги илмий-тарихий қиммати» мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлади. Ахмад Махмуд Ҳазиний (хаёти ва ижоди)» (Тошкент, 2001) монографияси илм ахли томонидан кизикиш ила кутиб олинди.

«Ўзбек тили ва адабиёти», «Тафаккур», Туркиядаги «Тасаввуф» илмий-академик журналларида эълон қилинган «Ҳазинийнинг «Манба ул-абхор фи риёзил аброр» асари

хакида», «Хазинийнинг «Жомиъ ул-муршидин» асарига доир», «Муршидлар силсиласи» каби маколаларни манбаларга суянмасдан ёзиб бўлмаслигини англаш нахотки кийин? Сўфий Мухаммад Донишманднинг «Миръот ул-кулуб» асаридан Девин Ди-Уис фойдаланган бўлса, фойдалангандир. Биз эса уни нашр ҳам эттирдик. Шунингдек, Яссавийнинг пири Юсуф Хамадонийнинг «Рутбат ул-хаёт», «Одоби тарикат» ва Абдулхолик Гиждувонийнинг «Макоми Юсуф Хамадоний» рисоалари ўзбекчага таржима қилиниб чоп этилди. Булар хакида балки кимларгадир хабар етказиш ёки хисобот бериш керакдир? Ёки халк мақолида таъкидланганидек, «олдингдан оккан сув» хақиқатда кадрсиз бўладими? Кадрсизлантириш майли шу қадар марокбахшми? Бундан қарийб бир юз етмиш йил муқаддам Виктор Гюго «Санъат, бу – мен, фан, бу – биз» деган бир гапни айтган. Бундай ўйлаб кўрилса, шу учкур фикр фан ва санъат меҳнатининг ҳам ўзига хослиги, ҳам асосий фарқи англашга ундайди. Илмнинг бош шартларидан бири «субъектив алломачилик» қайфиятига қул бўлмасликдир. Доимий равишда фан билан машгул бўлмаган улкан ижодкорлар ҳам буни назардан соқит этмаганлар. Бу жихатдан буюк Гётенинг ўз илмий тадқиқотлари тўғрисида: «...менинг ишим – кўпчиликнинг иши, бунда фақат Гёте даган ном меники», деган сўзлари эътиборлидир. Шунинг учун бирор-бир илмий мавзу юзасидан катъий хулоса чиқаришда «Мен биламан» деган иқрордан кўра, «Мен нимани билмайман?, деб ўйлаш фойдалидир. Айниқса, шу мавзунинг ўзининг махсус ўрганмаган ва яратилган тадқиқотларнинг энг зарур қисмидан ҳам беҳабар бўлсанг.

Мафкура қолипларига мувофиқ келмаган ижодкорларни коллектив бўлиб қоралаш шўро сиёсати фанда жорий этган «усул» эди. Ахмад Яссавий шахси ва ижодини қоралашда шу усулдан кенг фойдаланилганди. Кейинги пайтлари эса илмимизда кўпчилик захмат чекиб кўлга киритган ишларни алоҳида бир киши томонидан инкор айлаш ёки йўққа чиқаришга уриниш тез-тез кўзга ташланаётди. Асоси бўш бу «усул» яна Ахмад Яссавийнинг адабий меросига тадбиқ этилаётгани хайратланарли, албатта. Совет замонида қадимий манбаларга асосан Ахмад Яссавийнинг ижоди ва ижодкорлигига иштибохни қучайтириш гаразида суянилган бўлса, энди улар ўзга бир мақсад учун дастак қилинмоқда.

«Агар биз Фитратнинг «Ахмад Яссавий» ва «Ахмад Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар» номли тадқиқотларини кўздан кечирсак, - дейилади мақолада, - олимнинг ўнлаб манбалар билан иш кўрганига гувоҳ бўламиз. Лекин кейинги йиллардаги тадқиқотларда ушбу манбалар билан боглик фикр-мулоҳазалар учрамайди». Мана, устод Фитратнинг «Ахмад Яссавий» номли биринчи мақоласини олайлик. Унда на тарихий, на илмий, на тасаввуфий бирорта эски манбанинг номи ҳам, муаллифи ҳам тилга олинган. Бирок, бу – Фитрат манба билан ишламаган, дегани эмас. Балки, марҳамат этиб ўша «ўнлаб манбалар»нинг номини айтиш, деганидир.

Фитратнинг иккинчи мақоласида бир неча манбаларга мурожаат қилиниб, иқтибослар келтирилса-да, улардан бевосита Яссавийга тегишилилари бештага ҳам етмайди. Ҳеч шубҳасизки, «Ламахот» Ахмад Яссавий хаёти, тарикати ва издошлари фаолиятини ўрганишда ниҳоятда қимматли манба. Ундаги зикри жаҳрия, шу қилсила мансублари, Ахмад Яссавийнинг насаби, қаромат ва фавқуллодда холлари, ундан кейинги элликдан ортиқ тасаввуф олимларининг таржимаи холи ва бошқа масалаларига оид мулоҳаза-маълумотлар ҳар қандай тадқиқотчининг фикр-қарашларини бойитади. Шу жихатдан у яссавийшуносликда таянч бир манба вазифасини ўтайди. Аммо тазкира ва манокиб характеридаги бундай асарларнинг бирортаси ҳам Ахмад Яссавийнинг

адабий-ижодий киёфасини ёркин гавдалантириб беролмайди. Шунинг учун у ёки бу манба билан шахсан танишмасдан талаб кўйиш ва кўрсатма бериш ҳеч вақт ўзини оқламайди. Колаверса, соф тасаввуфшунос билан бошқа соҳа вакиллари – адабиётшунос, тилшунос, ёхуд файласуфларнинг манбаларга муносабати ва эҳтиёжини асло кориштирамаслик керак, ҳеч пайт муболагага ҳам эрк бермаслик лозим. Фитрат «Ламахот», «Самарат ул-машойих» каби манбаларни таҳлил қилиб яссавия йўналишидаги ўнлаб шоирларни эмас, бор-ўғи олтита шоирнинг номини аниқлаган, холос.

Рус тилшунос олими А.К.Боровковнинг 1948 йили «Советское востоковедение» номли китобда босилган мақоласига (А.Эшонбобоев мақоласида унинг номи негадир «Определение языка хикматов Ахмада Ясеви» деб кўрсатилган. Холбуки, асосий сарлавҳа «Очерки по истории узбекского языка» дир – И.Х.) факат адабиётшунослар эмас, ўзбек тилшунослари ҳам танқидий муносабатларини билдиришган. Филология фанлари доктори, профессор А.Алиевнинг хулосаси бўйича, номи кўрсатилган тадқиқотда Боровков «Яссавий шеърларини таҳлил этганда, ундаги айрим мисралар турли нашрларда бир-биридан баъзи сўз, сўз формалари билан фарқланишига аҳамият бериб, кўпроқ «Бокиргон китоби»га киёслаб, биртомонлама ўргангани яққол кўринади» («ЎзАС», 1993, 29 октябрь). «Хорижлик яссавийшунос» мақоласида менинг билганим-билган, айтганим-айтган кабилида иш кўрилиб, Боровков мақоласи хусусида билдирилган бирор-бир танқидий фикр ва мулоҳаза эътиборга олинмайди. Бу ҳам етмаганидек, рус шарқшуносининг асосий хулосалари бузиб баён этилади. Мана бу жумлаларга диққат қилинг: «Шарқшунос А.К.Боровков «Девони Хикмат» шеърларининг асосий қисмини XV асрнинг биринчи ярмида яратилган деган фикрни билдирган эди». Боровков эса «Девони Хикмат»даги шеърларнинг «асосий қисми XV асрнинг биринчи ярмида яратилган», деб айтмаган. Биринчидан, у Яссавий хикматлари асрдан асрга, авлоддан авлодга оғзаки тарзда етиб келиб, кўпсонли мухлислар, ўқувчилар томонидан кўчирилганлигини таъкидлаган: «Хикматы Ясеви передавались изустным путем и переписывались многочисленными читателями». Иккинчидан, «По всем признакам формироваться сборники хикматов стали не ранее второй половины XV в.», дейилган. Бу гап «ёзилган», «яратилган» деган мазмунни акс эттирмайди. Мустақил шеър яратиш билан, халқ орасида тарқалган мавжуд шеърларни жамлаб тўпламлар тузиш тамоман бошқа-бошқа ҳодиса. А.К.Боровков домланинг меҳнати, ҳолислик билан баён қилинган фикр-мулоҳазаларни кадрлаш жоиз. Айни пайтда унинг тасаввуф ва тасаввуфий адабиёт мутахассиси бўлмаганлигини ҳам унутмаслик лозим. Бунга ишонч ҳосил этиш учун олимнинг мазкур мақоласида бир қанча фактларга эътибор бериш етарлидир. Масалан, у Мухаммад Олим Хожининг «Ламахот мин нафахот ил-унс» асарида Хикмат мажмуаларида тез-тез учрайдиган Яссавийнинг илк шеъри ўрин олганилигини айтиб, қуйидаги байтни иқтибос қилди:

Ориф ишки жон мулкида алам тортса,
Ўн саккиз минг камуг олам булбул бўлур.

Бу байтдан маъно чиқариш қийин. Зеро, ишқ ҳеч пайт «жон мулкида» алам тортмайди – дард, алам кўзгайди. Оламнинг «булбул» бўлиши ҳам тасаввурга сиймайди – у жўшиши, галаён қилиши мумкин. Байтдаги маъно ориф ошиқнинг хол қуввати ва унинг ташқи оламга таъсир ўтказиши ҳақида бўлиб, «Ламахот»да:

Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса,
Ўн саккиз минг камуг олам гулгул бўлур, -

деб битилган. Ёки «Хар ким кўрсанг Хизр бил, хар тун кўрсанг Кадр бил» байтини у: «всякого, кого ты увидишь, что за Хызра, всякой ночи, которую ты видишь (переживаешь) знай цену», деб таржима килганки, Кадр тунига ишорат инобатга олинмаган. Бу эса мисра мазмунини жўнлаштирган.

Тасаввуфий шеър матнининг ўзига хос талаб, конуният ва мураккабликлари бор. Факат манба кўриб, тасаввуфга доир умумий маълумотларни ўзлаштириб матн тахлилида ютукка эришиш амри махол. Афсуски, бунга мисол кўп. Ахмад Яссавийнинг муаллифлигига дахлдор «эски пластинка»ни кайтаришга жахд айлаш ҳам ана шу ночорликни хаспўшлашга уринишдан бошка нарса эмас. Ахир, «Девони Химат»нинг кадимий нусхаси йўк, деб кўл ковуштириб ўтириб бўлмаслигини нуфузли таджикотчи олимларимиз кайта-кайта гапиришган. Филология фанлари доктори А.Хайитметов домла яқиндагина босилган «Яссавий сатрларидаги фарқлар» номли маколasiда «Яссавийнинг тасаввуфий дунёкараши, фикр ва мулохазалари унинг шеърляти оркали ифодаланган ва намоён бўлган. Бинобарин, унинг сўфийлигини, донишмандлигини тан олиш, шеърлятини ҳам тан олиш деган гапдир», - деб ёзади. Айрим чет эллик олимлар, жумладан, Девин Ди-Уис ҳам худди мана шу хакикатни тан олмаслик тарафдори. Унингча, «Бугунги кунда «Девони Хикмат» номи билан машхур бўлган шеърлий компиляция (иктибос) одатда Ахмад Яссавийга нисбат берилади, аммо яссавия тарикатининг ички манбалари ҳам ушбу тўпламнинг Ахмад Яссавийнинг индивидуал ижоди махсули эканлигини шубха остига олади». «Шубха остига» олинишлар янгилик эмас ва улар, эхтимол, хали анча давом этар. Лекин «Хикматлар» китоби кейинча тил жихатидан ва маъно томонидан канчалик ўзгаришларга дучор бўлмасин «унинг асл вазни аввалги холича колган»лигини (Максуд Шайхзода) биламиз-ку! Хикматларнинг гоё ва образлар таркибини тамоман ислох килиб ёки бутунлай ўзгартириб бўлмаслигига нахотки фахмимиз етмаса?

Сўфи Оллоёр бир буюк китоб кимдан ёдгор колганлигини сўзлаган: Яссавийданми ёки унинг «компиляция»чилариданми? Шайбоний ва Убайдий Яссавийни шарафлаб хикматлар таъсирида шеърлар яратганида уларга «индивидуал ижод махсули» деб карамаганми? Бу ва шу каби яна ўнлаб саволлар Девин Ди-Уиснинг нуктаи назарига иштибох билан карашни талаб этади. Очигини айтганда, унинг асосий хулосалари ё Фитрат ёки Боровков хулосаларининг кайтариғидир.

Масалан, Фитрат домла: «Кўлимизда бўлгон «Тазкират ул-авлиё»ларнинг ҳеч бири Ахмад Яссавийнинг «хикмат»ларидан хабар бермагани холда, хаммалари Хакиим Сулаймон отанинг кўб «хикмат»лари борлигини бир огиздан айтиб турадилар», деса, Девин Ди-Уис бундай дейди: «Ахмад Яссавийга шогирд хисобланмиш Хакиим Отанинг шоирлиги хусусидаги маълумотлар манбаларда устозига нисбатан анча илгари ва кўпроқ учрайди». Шуми илмий янгилик?

Девин Ди-Уиснинг «Машойихи турк ва хваджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями яссавийа и накшбандийа» (Суфизм в Центральной Азии. Санкт-Петербург, 2001, стр.211-243) номли маколasiда ҳам тасаввуф ва тарикатлар тарихидан хабардор кишининг фикр-карашларини бойитадиган зўр бир илмий янгилик учрамайди. Каерда ва кайси тилда бўлмасин, юртимизда кечган тасаввуф жараёни ва ундаги тарикатлар хаёти ҳамда тарихи ўрганилган таджикотлардан хабардор бўлиш, албатта, фойдалидир. Аммо уларнинг илмий кимматини белгилаш, янгиликларини аниқлашда зинхор-базинхор хаваскорлик савиясига таяниб колмаслик керак. Зеро, олимлик иктидори бу – чумчукни – лочин, лочинни – чумчук дейиш эмас: хар бир нарсани

Ўз номи билан аташ ва ўзининг асл киёфасида кўрсата олишдир.

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”
2004, 1 октябрь